



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 декабрь куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Россия Федерацияси Федерал хавфсизлик хизмати директори Александр Бортниковни қабул қилди.



Учрашув аввалида Александр Бортников давлатимиз раҳбарига Россия Президенти Владимир Путиннинг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муноса-

батларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Жорий йил 19 ноябрь куни Москва шаҳрида ўтган олий даражадаги икки томонлама учрашувнинг самарали натижалари юксак баҳоланди.

Хавфсизликка замонaviй таҳдид-

ларга, шу жумладан, терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчилик, кибержиноятлар, наркотрафик ва бошқа хавф-хатарларга қарши курашишда икки мамлакат ваколатли органлари ўртасидаги мунтазам алоқаларни давом эттириш ва амалий ҳамкорлиқни

ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Афғонистонда вужудга келаётган ҳолатдан келиб чиқиб минтақадаги вазият юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

ЎЗБЕКИСТОННИ ЎЗГАРТИРГАН БЕШ ЙИЛ

Ўтган беш йилда Ўзбекистон дунёга очилди ва мутлақо ўзгача қиёфада намоён бўлди. Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида эса унинг тарихига янги саҳифа ёзилмоқда, десак янглишмаймиз.

Турғунликда узоқ йиллар қолиб кетган миллий иқтисодиёт жонланди. Ўзгаришлар эпкинини ҳис этган одамларнинг дунёқараши ҳам ўзгарди. Одатда тарихчилар бундай даврларни ҳақиқати равишда туб бурилишлар ва тақдирий эврилиш йиллари деб атайдилар. Ўтган 5 йил ичида амалга оширилган кенг қўлмали ислохотлар чорак асрли саъй-ҳаракатларни ортада қолдирди. Бошқача айтганда, тарих вақтини сиқиб, уни илгари мамлакатга хос бўлмаган ҳаракат ва динамика билан тўйинтиргандек бўлди гўё. Таниқли экспертларнинг эътирофи эътишога, Ўзбекистон қисқа вақтда ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатда изчил ислохотларни амалга оширди.

Ўзгаришлар бугун ҳам давом этмоқда. Кўп ютуқлар қўлга киритилди ва барчасига бирин-кетин эришиляпти ҳам. Аммо тан олиш керак, бу осон кечаётгани йўқ. Ислохотлар аввалида орқаворатдан “бу популизмдан ўзга нарсасиз, қисқа муддатли кампания”, деган фикрлар ҳам айtilди.

Бироқ вақт пессимистларнинг хато қилганини кўрсатди! Беш йил аввал бошланган реформа барча соҳаларда кенг қўлмали ўзгаришларнинг



инъикоси бўлди. Президент Шавкат Мирзиёев танланган йўлдан ҳеч қачон ортага қайтилмаслигини, бошланган ишлар дадил давом эттирилишини тақдорлашдан чарчамади. Даъват улароқ янграган бу қаҳриққа бутун халқимиз эргашди...

Давоми 3-бетда

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

БЮДЖЕТ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Конституциямизда мужассам бўлган ҳуқуқий нормалар иқтисодий жараёнларда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда кенг қамровли ислохотлар самарасини белгиловчи бош мезон ҳисобланади. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Қонун устуворлиги — бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт, деганидир”.



Янги Ўзбекистон тараққиётида Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, мулкдорлар ва тадбиркорларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва кафолатлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда давлат, тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахсларнинг бир-бирларига нисбатан мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш борасида кейинги йилларда эришилаётган натижалар, энг аввало, жамиятнинг иқтисодий негизларини Конституция ва қонунларимизда

акс эттирилаётганлиги билан узвий боғлиқ.

Сўнгги йилларда миллий иқтисодиётимизда барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлиги ва дахлсизлигини давлат томонидан муҳофаза қилиш, иқтисодиётнинг барча жабҳаларида тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини таъминлаш, истеъмолчилар ҳуқуқлари устуворлигини кафолатлаш, умуммиллий бойлиқлар ва улардан фойдаланишда аҳолининг барча қатлами манфаатларини таъминлашга қаратилган ўнлаб қонунлар қабул қилинди.

Давоми 3-бетда

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

МАНФААТЛИ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Шу йилнинг 28 ноябрь куни Ашхобод шаҳрида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг ўн бешинчи саммити бўлиб ўтди. Айни вақтда ташкилотга аъзо давлатлар — Ўзбекистон, Туркия, Эрон, Покистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Афғонистонда жами ярим миллиарддан зиёд аҳоли яшайди. ИХТ ўтган давр мобайнида унга аъзо давлатларнинг умумий манфаатларини ифода этадиган, улкан иқтисодий салоҳиятга эга йирик минтақавий тузилмага айланди.

Бу, ўз навбатида, улкан бозорга эга бўлган мамлакатларнинг савдо ва инвестиция соҳаларидаги катта имкониятларидан тўлиқ фойдаланишни тақозо этади. Бинобарин, Ўзбекистон дунёдаги иқтисодиёти барқарор ривожланиш босқичига чиқиб бораётган мамлакатлар сирасига киради. 2021 йилнинг 9 ойи якунлари бўйича мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 6,9 фоизни ташкил этгани бунини яққол кўрсатиб турибди.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари билан Ўзбекистон ўртасидаги товар

Давоми 2-бетда

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

АСОСИЙ МАҚСАД — ХАЛҚИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ, ОДАМЛАР РОЗИЛИГИГА ЭРИШИШ

Ургут республикамиздаги нуфуси энг кўп туманлардан бири. Айни пайтда 529 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллалар ҳам бошқа ҳудудларга нисбатан анча кўп — 111 та. Шу боис, туманда одамлар учун замонaviй турмуш шароитлари яратиш, уларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш, бандлик даражасини ошириш, инфратузилмани ривожлантириш туман раҳбарларидан алоҳида масъулият, ташаббускорлик ва, албатта, фидойилик талаб қилади. Қолаверса, азалдан ишбилармон бўлган урғутликларнинг бу борадаги интилишларини қўллаб-қувватлаш ва имкониятлар яратиш ҳам долзарб вазифа саналади. Туман ҳокими Ботир ЖАББОРОВ билан ана шу масалалар, Ургутнинг бугуни ва эртанги куни ҳақида сўхбатлашдик.

— Ургут туманига ҳоким бўлганингиздан буён бир йилча вақт ўтди. Албатта, зиммангизга катта вазифалар қўйилган, ўзингизда ҳам мақсадлар, режалар бўлган. Ўтган бир йилда бу вазифа ва мақсадларга қай даражада эришдингиз?

— Аввало, одамлар орасида юришга, уларнинг яқин кишиси, елкадоши бўлишга интидим. Маҳаллаларга, хонадон-

ларга кирдим. Туманни ривожлантириш, Президентимиз олдимизга қўйган вазифаларни ҳамжиҳатликда, бамаслаҳат амалга оширишимиз кераклиги, ҳаётимизни ўзгартириш, замон талабига мос яшаш ўзимизга боғлиқлигини одамлар онгига синдиришга ҳаракат қилдим.

Бу борада тизим яратиб берилган, туман раҳбарлари, яъни сектор етакчиларининг вазифа ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган.

Давоми 4-бетда

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГЕТИКА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Баъзи ривожланган давлатлар энергетика тизимида энергиянинг салкам ярми қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига тўғри келаётган бир вақтда бу кўрсаткич мамлакатимизда етарли даражада эмаслиги мазкур йўналишдаги ишларни жадаллаштиришни тақозо этмоқда.



Шунинг учун сўнгги йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самардорлигини ошириш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан

фойдаланишни кенгайтириш бўйича кенг қўлмали ишлар бошланди, соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Давоми 2-бетда



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

Сиёсат

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг навбатдаги мажлисида Евроосиё иқтисодий иттифоқи бозорида маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари рақобатбардорлигини ошириш бўйича вазирлик ва идораларга юкланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан мутасадди идоралар раҳбарларининг шахсий масъулияти тўғрисидаги масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Раёсат мажлисида маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, техник жиҳатдан тартибга солиш, экспорт қилиш ҳамда мавжуд санитария, фитосанитария ва ветеринария талабларини Евроосиё иқтисодий иттифоқи ягона талабларига ўзаро мувофиқлаштиришда йўл қўйилаётган **тизимли камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан қўрилаётган чоралар** қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Хўжаев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев), Ветеринария ва қорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси (Норқобилов), Ўсимликлар карантини ва химияси агентлиги (Эргашев), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (Сатторов) фаолияти мисолида **батафсил ўрганилди**.

Масул раҳбарларнинг эътибори озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хавфсизлиқни бошқариш тизимини жорий этиш, ахборот тизимларини интеграция қилиш ва халқаро стандартлар билан санитария, фитосанитария ва ветеринария талабларини мувофиқлаштириш каби долзарб масалаларга қаратилди ва уларни қисқа муддатларда **бартараф этиш чораларини қўриш ҳамда келгусида бу каби ҳолатлар такрорлани-**

шининг олдини олиш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Мажлис давомида Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик доирасида маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларига ягона талабларни миллий қонунчилик билан ўзаро мувофиқлаштириш, уларнинг экспортини қўлайтириш, мева-сабзавотчилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратиш, фитосанитария, санитария ва ветеринария пунктларига грант маблағлар жалб қилиш, шу йўналишдаги тадбирларнинг натижадорлигини ошириш ҳамда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ишларини фаоллаштириш борасида **масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари олдида турган устувор вазифалар** белгилаб берилди. Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан самарали мулоқот ўрнатиш, ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш муҳимлиги эътиборга олинган ҳолда, мажлисда **ўз шахсий масъулиятини англаш, мустаҳкам интизом ва ташаббускорлик мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларининг “темир” қоида-сига айланиши** зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Мажлис якуни бўйича Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари томонидан **илгари сурилган “маҳаллабай” ишлаш тизими** бүгунги кунда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ҳақли эътирозли мурожаатларини ҳамда жамиятдаги қўллаб-муаммоларни имкон қадар тезроқ бартараф этишда барча соҳалар учун қанчалик аҳамиятли экани ўз исботини топмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг навбатдаги мажлисида иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари С.Холхўжаев, Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари Б.Зоҳидов, Самарқанд вилояти ҳокими Э.Тўрдимов, Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдурахмонов, республика ҳамда маҳаллий давлат бошқарувида тааллуқли бошқа органлар раҳбарларининг ҳудудларда **“маҳаллабай” ишлаш тизими** бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилди. Бунда асосий эътибор қуйидаги масалаларга қаратилди.

Биринчидан, ҳудудларда “маҳаллабай” ишлаш тизимини **босқичма-босқич жорий қилиш** бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг тегишли қарорлари қабул қилинди. Жумладан:

1-босқичда — “маҳаллабай” ишлаш тизимини амалиётга жорий этиш ва амалга ошириш мақсадида ҳукуматнинг 2021 йил 19 мартдаги қарори қабул қилинди;

2-босқичда — давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 6 майдаги қарори билан Самарқанд вилояти туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмасида **эксперимент тарикасида Маҳаллабай ишлаш марказлари** ташкил этилди;

3-босқичда — давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 5 августдаги қарори билан “**Андижон тажрибаси**” асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан ортада қўлаётган ва ишсизлик даражаси юқори бўлган **500 та “огир”** маҳаллага **етақчи** тадбиркорлик субъектларини бириктириш орқали аҳолига доимий даромад манбаи яратишга қўмаклашиш учун ҳар бир маҳаллага **2 млрд.** сўмгача миқдорда маблағ ажратиш белгиланди.

4-босқичда — 2022 йил 1 январдан бошлаб маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалаларига масъул бўладиган **ҳоким ёрдамчиси** лавозимини жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Иккинчидан, 2021 йил 1 ноябрё ҳолатига “маҳаллабай” ишлаш тизими бўйича маҳаллаларда уйма-уй юриб ўтказилган сўровномалар асосида **886 минг** ишсиз фуқаро ишлаш истагини билдирган бўлиб, улардан **695,7 минг** нафари ёки **78,5 фоизининг** бандлиги таъминланди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида **320,3 минг** аҳоли ва тадбиркорлик субъектига **7,7 трлн.** сўм кредит ажратилди ва **362 минг**дан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди.

180 минг фуқаро тадбиркорлик кўникмаларига ва меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хўнарларга ўқитилди. Улардан **104 минг** нафарига **1,9 трлн.** сўм имтиёзли кредит ажратилиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш таъминланди.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

МАНФААТЛИ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Нодир ЖУМАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

➤ Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимизга географик жиҳатдан қўшни ёки яқин бўлган мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш ички сиёсатда меҳнат бозорини кенгайтириш, ҳамкор давлатлар орқали йирик сув ҳавзаларига чиқувчи транспорт коридорларига эга бўлиш имконини берса, ташқи сиёсатда минтақада иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни қарор топтириш бўйича ташаббусларни рўёбга чиқаришга эришишда муҳим ўрин тутadi.

Президентимиз ИХТ саммитида ўзаро манфаатли глобал тақлифларни илгари сурди. Жумладан, аъзо давлатларнинг савдо ва инвестиция соҳаларидаги катта имкониятларини ҳисобга олиб, янгиланган ва кенг қамровли Савдо битимини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш фурсати келганини таъкидлади. Зеро, бу пандемиядан кейинги ривожланиш мақсадларини амалга оширишда жуда муҳим ҳисобланади. Ушбу ҳужжат билан савдо тўсиқларини бартараф этиш, божхона тартибларини рақамлаштириш ҳамда ҳозирги вақтда долзарблиги тобора ошаётган электрон

савдони кенг татбиқ этиш масалалари ўз ифода-сини топиши зарурлигига эътибор қаратилди.

Яна бир долзарб масала — ўзаро сармоялар оқимини қўлайитириш ва уларни ишончли ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, бу йўналишни амалга оширишда Қўшма ҳаракатлар дастурини қабул қилиш заруратини кун тартибига қўймоқда. Мазкур дастур ўзаро савдо ҳажмларини ошириш, минтақавий аҳамиятга эга лойиҳаларни ишлаб чиқиш орқали жаҳон бозоридаги кучли рақобатта бардошли биргаликдаги ҳаракатлари кучайтиришда кўл келади.

Давлатимиз раҳбари ушбу мақсадни амалга ошириш учун ташкилот доирасида Савдо, инвестициялар ва инновациялар марказини ташкил этиш ҳамда унинг қароргоҳини Тошкент шаҳрида жойлаштириш тақдирини илгари сурди. Бу борада БМТнинг Саноатни ривожлантириш ташкилоти ЮНИДО ва Марказий Осиё иқтисодиёти учун СПЕКА Махсус дастури билан ҳамкорлик қилиш ижобий самаралар бериши таъкидланди.

Ташкилотга аъзо мамлакатларнинг умумий ер майдони 7 978 438 квадрат километрдан иборатлигини ҳисобга олсак, минтақалараро транзит хабларини ташкил этиш бўйича катта имкониятларга эгалиги намоён бўлади. Бунинг учун замонавий транспорт ва йўл инфратузилмаларини ривожлантириш, транспорт ва транзит тарифларини оптималлаштириш ҳамда қўшимча чегирмаларни тақдим этиш, халқаро ва йўловчи ташвиш шартларини енгиллаштириш, транспорт соҳасини рақамлаштириш масалаларига аниқ ечимлар топишни тақозо этмоқда. Қолаверса, тузилмага аъзо давлатларнинг умумий ташқи товар айланмаси 2019 йилда 900 миллиард доллардан ошган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 542 миллиард долларга тенг бўлган. Албатта, бу пасайиш бутун дунёни қамраб олган коронавирус пандемиясининг салбий оқибатлари билан узвий боғлиқ.

Шу жиҳатдан қараганда, мавжуд глобал вазиятдан келиб чиқиб, ташкилотга аъзо давлатларнинг транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш ва транзит салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган минтақавий стратегияни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Ушбу стратегия Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва унинг ривожланиш сари интилишларини қўллаб-қувватлашда ҳам муҳим ўрин тутadi. Мазлумки, Ўзбекистон халқаро майдонда Афғонистонда ҳавфсизлиқни таъминлаш, тинчлик ўрнатиш ва мазкур мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш йўлидаги

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГЕТИКА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўктам САЛОМОВ, Фарғона политехника институтини ректори,

Мирсоли ЎЗБЕКОВ, ФарПИ энергетика факультетини декани

➤ Бошланиши 1-бетда

Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 22 августдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”-ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июлдаги “Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг ва улардан ишлаб чиқариладиган энергиянинг давлат ҳисобини юритиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатларда янги қувватларни ишга тушириш орқали қайта тикланувчи энергия манбаларини янада ривожлантириш ва уларнинг улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 25 фоизидан ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан олинган электр энергиясини тармоққа етказиш беришини махсус харид тариқини жорий этиш белгиланди.

Шу йилнинг 22 ноябрё кунини давлатимиз раҳбари 2022 йилда қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини қўлайитириш ҳамда уларнинг таъминоти бўйича қайта тикланувчи энергия манбаларини ташкил этиш учун зарур шароитлар яратиш кераклигини таъкидлади.

Ўзбекистонда қуёш энергиясининг умумий олаҳқияти 51 миллирдан тоннадан ортдиқ нефть эквивалентига тенг. Юртимиз бу борада катта захирага эга. Қўлай географик жойлашув, бир йилнинг 320 кундан зиёди қуёшли ўтиши, юқори даражадаги илмий салоҳият шомол ва қуёш энергетикаси учун зарур қурилмаларни ишлаб чиқариш имконини беради.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг ўрта



ча йиллик миқдори 69-72 миллиард кВт/соатни ташкил этади. 2030 йилгача ушбу кўрсаткични 2 баробар ошириш назарда тутилган.

2020 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган электр энергияси миқдори дунё бўйича ўртача 29 фоизни ташкил этган. Доимий шомол оқимларига эга денгиз бўйида жойлашган давлатларда шомол энергиясидан фойдаланиш кўрсаткичи юқори даражада етган.

2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг электр энергиясини амалга оширишда концепциясида 5 ГВт қуёш фотозлектр ва 3 ГВт шомол электр станциялари қуриш орқали саноат қўлимидаги қайта тикланувчи энергия манбалари электр станциялари миқдорини ошириш режалаштирилган. Энергия ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва истеъмол қилишда самарали технологиялардан фойдаланиш орқали инфратузилмага сарфланадиган харажатларни камайтириш мўлжалланган.

Ўзбекистон энергетикасига инвестициялар киритиш истагида бўлган хорижий ва маҳаллий инвесторлар кўп. Шу боис, саноат қўлимида қайта тикланувчи энергия манбалари электр станциялари қуриш лойиҳаси турлари танловидида қатнашувчилар сони ортган. Мисол учун, Қўраўзақ туманида 100 МВт шомол электр станцияси қуриш лойиҳасига қатнашиш учун 70 та компания ҳужжат топширди. Шеробод қуёш фотозлектр станциясини қуриш танловидида қатнашиш учун эса, 54 та компания ва консорциумдан ҳужжатлар қабул қилинди. Шунингдек, энергия самарадорлиги ва кичик ҳажмдаги қайта тикланувчи энергия манбалари лойиҳаларига ҳам сармоя киритиш истагида бўл-

глобал сайёҳаракатларни фаол қўллаб-қувватлаб келмоқда. Мазори Шариф — Ҳирот ва Мазори Шариф — Кобул — Пешовар темир йўл магистралларини, Сурхон — Пули-Хумри электр узатиш линиясини барпо этиш бўйича Ўзбекистон тақлифларини амалга ошириш бутун минтақа ҳаётида ўзининг ижобий самарасини беради.

Сўнгги йиллардаги иқлим ўзгаришлари бутун жаҳон мамлакатларини она табиятга муносабатини ўзгариштириш вақти келганидан қатъий оғохлантирмоқда. Шунинг учун ҳам “яшил иқтисодиёт”ни биргаликда фаол ривожлантириш, саноат тармоқларига ресурс тежамкор технологияларни кенг татбиқ этиш, углерод нейтраллигига эришиш кун тартибидagi энг долзарб вазифалардан биридир. Бунинг учун халқаро эколог олимлар ва экспертлар иштирокида юқори даражадаги доимий Мулоқот кенгашини тузиш тақлиф этилди.

ИХТга аъзо давлатлар заминидан истиқомат қилаётган аҳолининг ўзаро борди-келди муносабатлари узоқ тарихга бориб тақалади. Ўзаро савдо алоқалари, сайёҳлик, таълим олиш борасидаги алмашинувини янги босқичга олиб чиқиш фурсати етди. Бунинг учун пандемия даврида тўхтаб қолган туризм истиқболларини белгилаш мақсадида Хавфсиз сайёҳликни ривожлантириш умумминтақавий дастурини қабул қилиш ташаббуси илгари сурилди. Шу асосда “зиёрат туризми” ва бошқа қўшма сайёҳлик маҳсулотларини ишлаб чиқиш, авиақатновлар географиясини кенгайтириш, туризм инфратузилмасини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилган бўлар эди.

Мухтасар айтганда, ИХТни жадал ривожланётган ташкилот сифатида мустаҳкамлашга қаратилган кўп томонлама шериклигини янада кенгайтириш, унга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни савдо, транспорт-коммуникациявий ўзаро боғлиқлик, саноат кооперацияси, “яшил” энергетика ва туризм соҳаларида ривожлантириш масалалари йиғилиш кун тартибининг асосий мавзуси бўлди.

Саммит доирасида муҳокама қилинган ва устувор вазифа сифатида белгилаб олинган кўп томонлама ҳамкорлик йўналишларини амалга ошириш минтақа мамлакатлари тараққиётига ва аҳолиси фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Ўзбекистоннинг 2022 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига расмий қилиниши эса, аъзо давлатлар учун манфаатли тараққиёт стратегияси масъулият ва ташаббус билан янги босқичга чиқади.

Шомол электр станциялари лойиҳалари танловлари Европа тиклануш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Уларни қуриш лойиҳасининг биринчи фазаси бўйича Қўрақалпоғистон Республикаси Қўраўзақ туманида қуввати 100 МВт бўлган илк шомол электр станцияси қуриш лойиҳаси танлови бўлиб ўтди. Ушбу лойиҳа ишга тушса, йилгига 350 миллион кВт/соат қўшимча электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Ҳозирги кунда Фарғона политехника институтини олимлари томонидан ҳам қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги энергетик қурилмаларни ривожлантириш устида бир неча йўналишда илмий-амалий ишлар қилинмоқда.

Институтда энергиятежамкорлик ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш илмий лабораторияси фаолият кўрсатиб келяпти. Энергиятежамкор ва қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича илмий ишланмаларни тажрибадан ўтказиш учун умумий майдони 400 квадрат метр бўлган ҳамда метрологик ўлчов асбоблари билан жиҳозланган гелиополигон ишлаб турибди. Шунингдек, Ёшлар инновация маркази ташкил қилинган ва зарур жиҳозлар билан таъминланган. Институтда қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергия қурилмалари иختисослиги бўйича таянч докторантура мавжуд бўлиб, илмий кенгаш фаолият юритмоқда. Ушбу соҳада бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда ЎзФА Физика-техника, Материалшунослик, Ион плазма ва лазер технологиялари институтлари билан ҳамкорликда илмий-амалий изланишлар олиб боришмоқда.

2021-2022 йилларда институтда 19 та илмий-тадқиқот лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилган бўлса, уларнинг 4 таси давлат илмий-техник дастури, 4 таси стартап, 2 таси Европа Иттифоқи лойиҳаси, 9 таси “Бўлажақ олим” танлови доирасида ҳаётият татбиқ этиляпти. Бу йил Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 14 та лойиҳа молиялаштирилиши мақсад қилинган. Уларнинг аксарияти қайта тикланувчи энергия манбаларининг истиқболли йўналишларини ривожлантиришга қаратилган. Улар электр энергияси сарфисиз сугуриш тизими, қуёш энергияси асосида совитиш тизими, самарадор қуёш ҳаво иситиш, “ақли соябон”, ерости сувларини чиқаришда энергия тежамкорликка эришиш каби қўллаб-қўллаб қўлувлари ўз ичига олган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда энергияга бўлган талабнинг кун сайин ошиб бориши, Президентимиз таъкидлаганидек, соҳадagi муаммоларни тезроқ ҳал этиш, унга эътибор беришни тақозо қилляпти.

ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

ЎЗБЕКИСТОННИ ЎЗГАРТИРГАН БЕШ ЙИЛ



Бахтиёр ҲАСАНОВ, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Бошланиши 1-бетда

Шубҳасиз, Ўзбекистон қиёфаси ва республикадаги муҳит бутунлай бошқача бўлди, энг муҳими, давлат ва жамият ўртасидаги муносабатлар ўзгарди. Мамлакатнинг янги раҳбарияти илгари давлат устувор бўлган векторни ўзгартирди. Эндиликда инсон қадр, унинг манфаатлари биринчи даражага чиқди. Буюк келажакни қуриш шиори кун тартибидан олиб ташланди, унинг ўрнига оддийроқ тушунча пайдо бўлди: одамлар эртага эмас, яқин келажакда эмас балки бугун яхши яшашлари керак. Бу Президентимиз ташаббуси билан юртимизда кечаётган барча ислохотлар ўзига айланди.

Ҳокимият очиқлиги ва қабул қилинаётган қарорларнинг шаффофлиги амалдорларни ўз ишига янгича ёндашишга мажбур этмоқда. Энг муҳими, энди улар ҳам халққа очила бошлади. Албатта, гуруҳ кураксиз бўлмайди. Лекин бу тенденция бор ва давом этмоқда.

Президентнинг Халқ қабулхоналарини ташкил этиш орқали узоқ йиллар давомида йиғилиб қолган долзарб ҳаётий масалаларни аҳоли билан очик муҳокама қилиш механизми яратилгани одамлар билан қандай ишлаш кераклиги борасида ўрта ва қуйи бўғин раҳбарлари учун ёрқин намуна бўлди. Бу Давлат сиёсатида айланди. Натижада аниқ инсонларга, биринчи навбатда, ночор оилаларга амалий ёрдам кўрсатила бошланди. Улар мисолида эса кенг қўламли муаммолар аниқланиб, халқимиз эҳтиёжига жавоб берадиган қарорлар қабул қилинди.

Ўзим гувоҳ бўлган бир ҳолат эсимга тушди. У пайтда газетада ишлардим. Кўплаб тажрибали журналистлар пенсия ёшига етган, афсусланганча ўз сеvimли ишидан кетишга мажбур бўларди. Сабаби, агар ишлашда давом этсангиз, ҳалол ишлаган пенсиянгизнинг ярмини йўқотардингиз. Афсуски, катта тажриба ва билимга эга, ҳали кучга тўла ва ижодий режалари кўп ходимлар ҳам пенсияга чиқиб кетарди. Шунга ўхшаш ҳолат ҳамма жойда кузатиларди. Ҳали жамиятга, эл-юртга фойдаси тегиши мумкин бўлганлар деярли бепул ишлаш ёки уйда бекор ўтиришдан бирини танлаши керак эди. Ҳеч бир мантиққа тўғри келмайдиган, гўёки иш жойларини бўшатиш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида ўрнатилган бундай тартиб 2017 йилда бекор қилинди.

Ҳа, ишсизлик мамлакатимизда жиддий муаммага айланган эди. Кўплаб қишлоқлар, ҳатто шаҳарларда ҳеч бўлмаганда бир аъзоси чет элда ишлаётган оилалар кўпайиб кетгани сир эмас. Бундай ватандошларни маҳалла фаоллари қоралаган, журналист ҳамкасбларимиз эса “фақат дангасаларгина ўз юртида иш топа олмаслиги”ни ёзарди.

Энди бу масалага муносабат тубдан ўзгарди. Меҳнатга лаёқатли аҳолига давлат учун

юк эмас, балки фақат тўғри тасарруф этилиши лозим бўлган қимматли ресурс сифатида қаралмоқда. Ниҳоят, биз бошқа мамлакатлар тажрибасига мурожаат қила бошладик, бу эса меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш сезиларли устунлик беришини ва мамлакатни муваффақиятли ривожлантириш омилларидан бири эканини кўрсатди. Бугун ватандошларимизни меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларга риоя қилинган, уюшган ҳолда ишга олиш, олдиндан касбга тайёрлаш ва хорижга ишлашга юбориш йўлга қўйилмоқда.

Биз фуқаролари дунёнинг исталган нуктасида ўзини эркин ҳис қиладиган, ўз давлати ҳимоясида қолдиган мамлакатлар халқига ҳавас қилган даврлар ҳам бўлди. Эндиликда хориждаги ўзбекистонликларнинг ҳуқуқий ҳимояси илгаригидек оғизда эмас, балки амалда ўз ифодасини топтомоқда. Бу муҳим вазифа Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик миссиялари ва ваколатхоналари зиммасига юкланган.

Юртимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги имижини ўзгартирган ташқи сиёсатнинг

Бугунги кунда нафақат шаҳарларда, балки энг чекка ҳудудларда ҳам янги турар жойлар қурилмоқда. Улар нафақат чиройли ва замонавий, балки барча қўлайликларга эга ҳамдир. Ўн минглаб оилалар, ниҳоят, уйли-жойли бўлдилар.

Аҳоли ҳаракатини, жумладан, Тошкентда яшаш имкониятини чекловчи меъёр — пропискидан воз кечиши ҳам узоқ кутилганди.

Давлат раҳбари қарори билан минглаб ватандошларимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди. Эндиликда юртимизда узоқ йиллар том маънода ҳақ-ҳуқуқсиз яшаган бу инсонлар ўзининг бугунги куни ва келажакка ишонч билан қарай бошлади.

Иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг ўзи алоҳида бир мавзу. Деярли барчага дахлдор бўлган бир мисол — валюта конвертациясини олайлик. Биз, мамлакат аҳолиси қандайдир даражада камситувчи ҳодиса — миллий валютамизнинг бир неча курси мавжудлигига кўнлик-кандик. Юртимизга келувчи меҳмонларга бу



муҳим нуқтаси шундаки, ҳозирги устувор йўналишлар, аввало, инсон манфаатлари ва тақдирига дахлдордир. Марказий Осиё давлатлари билан яхши қўшничилик алоқалари тиклангани бунга ёрқин мисол бўла олади. Бошқача айтганда, биз йиллар давомида қулф осилган эшикларни очиб юбордик. Ваҳоланки, беш йил аввал ҳам яқин ва ён қўшниларимиз билан муносабатларимиз яхши бўлмаган. Бунинг оқибатида минг-минглаб ҳамюртларимиз ўз қариндош-уруғларини, дўст-биродарларини қўриш, дийдорига тўйишдан бебаҳра бўлган. Чегаралар тиканли симлар билан ўралгани, миналаштирилгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Тарихимизнинг ушбу қайғули саҳифалари ёпилиди...

Уттан беш йил ичида рўй берган муҳим ўзгаришларни бирма-бир хотирамдан ўтказиб туриб, етти ёки саккиз йилча илгари содир бўлган яна бир воқеа хаёлимдан ўтди. Танишларимдан бири қизини унганча икки келин туширилган хонадонга узатаётганини эшитиб қолдим. Қуда бўлмишининг оиласи уч хонали квартирада яшаркан. Қайнота ва қайнона ёшларга хонасини бўшатиб берадиган, ўзлари эса ошхонага кўчиб ўтадиган бўлибди.

“Бундай шароитда қандай яшашди, ахир? Балки тўйни ўтказишга бироз шошилаётгандирсизлар?” — дея узатилаётган қизнинг ота-онасидан сўрадим. Саволимга жавобан улар қизларининг бўйи етиб, турмушга берадиган вақти бўлганини ва икки ёш ҳам бир-бирига маъқул келганини айтишди. Орадан тахминан икки йил ўтгач, эшитиб қолдим: ёшлар бундай шароитда оиласини сақлаб қолишолмабди, ажрашибди. Уй-жой муаммоси сабаб синган тақдирлар яна қанча?

Президентимиз давлат раҳбари лавозимига киришганидан сўнг уй-жой етишмовчилиги масаласига тезкор ечим топди. Уй-жойлар қуриш бўйича мисли кўрилмаган дастур қабул қилинди, натижалари эса аллақачон кўрина бошлади.



8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

БЮДЖЕТ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Шарофиддин НАЗАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, Бюджет кодекси ва Солиқ кодексининг янги таҳрирда қабул қилиниши Ўзбекистон молиявий тизимиди ва давлатнинг молиявий фаолиятида замонавий бошқарув ва мувофиқлаштириш принциплари, воситалари ва дастакларини жорий этиш имконини яратди, десак муболага бўлмайди.

Натижада давлат пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланишнинг замонавий усуллари жорий этилмоқда. Бюджет кодексига мувофиқ, айна пайтда Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетни ўз таркибига Давлат бюджет, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини бирлаштирмоқда.

Давлат бюджетни солиқ тўловчи кўзи билан қараганда, том маънода давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг ифодаси сифатида акс этаётди. Айна пайтда парламентда Давлат бюджетни тўғрисидаги қонун лойиҳаси билан биргаликда ўрта муддатли давр учун фискал стратегия ҳам муҳокама қилинмоқда.

Ўрта муддатга мўлжалланган бюджет сиёсати мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлариغا мувофиқ равишда амалга оширилиши кўзда тутилган. Бунда бюджетнинг ижтимоий йўналтирилганлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, маҳаллабай ишлашни кенгайтириш, иш ўринларини яратиш, натижага йўналтирилган бюджет тизимини босқичма-босқич тўлақонли жорий этиш, илгор хорижий тажриба ҳамда халқаро молия институтлари экспертларининг тавсияларидан келиб чиққан ҳолда, солиқ-бюджет сиёсатининг узоқ муддатли чекловлари — фискал қоидаларини қонунчиликка кириштириш муҳим ўрин тутди. Шу жиҳатдан олганда, бюджет тизими давлат сиёсатини кўрсатувчи ва амалловчи иқтисодий мезон сифатида намоён бўлмоқда.

Сўнгги йилларда қабул қилинаётган давлат бюджетни очиқлиги ва шаффофлиги борасида катта ижобий ўзгаришларга эришилди. Бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик назоратини, аҳолининг бюджет маблағларини тақсимлаш жараёнидаги фаол иштирокини янада кучайтиришга эътибор қаратиладиган ҳолатда маҳаллий Кенгашларнинг ролини оширишга қаратилган чоралар қўрилатди. Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришмишга бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари бу масалага алоҳида тўхталиб, маҳаллий ҳокимиятнинг Кенгашлар олдидаги ҳисобдорлигини оширишга қаратилган бир қатор тақлифларини илгари сурди.

Турли даражадаги бюджетларни шакллантириш ва ижросини назорат қилишда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш усуллари ва механизмлари жорий этилиб, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайилмоқда.

Бўйорада ислохотларнинг энг муҳим босқичларидан бири — Президентимизнинг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши бўлди. Ушбу ҳужжатга асосан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда 2019 йилдан бошлаб “Фуқаролар учун бюджет” ахборот даврий нашрини чоп эта бошлади.

Бундан ташқари, Давлат бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари, шунингдек, Ҳисоб палатасининг хулосалари ва шу каби бошқа маълумотларни ўзида мужассам этган “Очиқ бюджет” ахборот портали ишга туширилди.

Эндиликда туманлар ва шаҳарларлар ҳокимликлари маҳаллий бюджетда тасдиқлан-



ган харажатларнинг 5 фоизига тенг миқдордаги маблағларни жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирлар учун молиялаштириш имконига эга бўлмоқда. Хусусан, жорий йилда ташаббусли бюджет жараёни учун ажратилган маблағ 238,6 миллиард сўмни ташкил этгани унинг миқдор ва микёсидан далолат бериб турибди.

Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини таъминлаш мақсадида яна бир муҳим қадам: бир қатор бюджет харажатлари маҳаллий бюджетлардан молиялаштиришга ўтказилмоқда. Яъни умумтаълим муассасаларини, мактабгача таълим ташкилотларини, соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш, суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга оид тадбирлар доирасида объектларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш ишларида доир харажатлар, кўп квартиралар уй-жой фондига туташ ҳудудларни таъмирлаш ва иссиқлик таъминоти ташкилотларининг иссиқлик тармоқлари ва қозонхона ускуналарини капитал таъмирлаш ҳамда аҳолининг кам таъминланган ва муҳтож қатламларига кўрсатилган бепул адвокатлик хизматлари харажатлари маҳаллий бюджет маблағлари асосида амалга оширилиши белгиланмоқда.

Конституциямизда ва қонунларимизда давлат молиявий фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳамда шаклларининг акс эттирилиши молиявий фаолиятни амалга оширувчи давлат органларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш имконини беради. Бу ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, маҳаллий вакиллик ҳокимияти органлари, Вазирлар Маҳкамаси таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг мамлакатимизда кечаётган трансформация жараёнида фаол иштирокини таъминламоқда.

Бундай мураккаб ва масъулиятли жараёнда иқтисодиётни ислоҳ қилиш, давлат молиявий фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш ўта муҳим ва масъулиятли вазифа ҳисобланади. Буни чуқур ҳис қилган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида айна пайтда молия ва пул — кредит тизимининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор янги қонунлар устида иш олиб боришмоқда.

Ўзбекистонда нобан кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш тизимини янада такомиллаштириш, давлат қарзини бошқариш, давлат мулкidan самарали фойдаланиш, қимматли қозғалар бозорини ривожлантириш, давлат молиявий назоратини кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳалари шулар жумласига кириди. Маъмур қонун лойиҳаларининг пухта ва шишқаб ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши мамлакатимизда кечаётган иқтисодий жараёнларни янги сифат босқичига олиб чиқиш, молия ва пул-кредит соҳаларида қонун устуворлиги ва ҳуқуқий маданиятни ошириш, иқтисодий соҳалардаги ҳуқуқий асосларнинг бошқа соҳалар билан ўзаро мос келишини таъминлашга хизмат қилади.

Бунинг учун Конституциямизда мамлакатимизда солиқ-бюджет сиёсатида қатъий риоя этилишини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини ҳамда ижтимоий соҳани барқарор, мутаносиб ва жадал ривожлантириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш учун мустаҳкам асос бор ва у ислохотларимизнинг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилади.



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Бошланиши 1-бетда

АСОСИЙ МАҚСАД — ХАЛҚИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ, ОДАМЛАР РОЗИЛИГИГА ЭРИШИШ



давлатимиз раҳбарининг ҳар бир ташрифи урғутликлар учун ўзига хос из қолдирган, ислохотлар жадаллашувиغا асос бўлган. Шу жиҳатдан бу галги ташриф ҳам иқтисодий зона фаолиятида, урғутликлар ҳаётида янги саҳифа очди.

“Ургут” эркин иқтисодий зонаси учун шу пайтгача туманимиздан ташқари Самарқанд шаҳри, Пастдарғом, Нуробод туманларидан ер майдонлари ажратилган. 602,2 миллион долларлик 96 лойиҳа ишлаб чиқилиб, ҳозиргача 335 миллион долларлик 59 та лойиҳа ишга туширилди. Енгилсаноатда 27 та, электротехникада 11 та, чарм-поябзал тармоғида 14 та ва бошқа соҳаларда 8 та корхона ташкил этилди. Улар 2017-2021 йилларда 60 турдаги 100 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилди ва қарийб 4000 та янги иш ўрни яратилди.

Давлатимиз раҳбари вилоятнинг барча ҳудудларидан эркин иқтисодий зона учун ер майдонлари ажратиб топширигини берган эди. Ҳозир бу иш давом этмоқда. Жумладан, туманимизнинг Ўрамас массивида 50 гектар майдон ажратилиб, тадбиркорларнинг лойиҳалари жойлаштирилмоқда.

Маиший техника буюмлари ва замонавий эшиклар ишлаб чиқарувчи “SAM-FERRE” ҳусусий корхонаси “Ургут” эркин иқтисодий зонасига аъзо бўлди ва унга фаолиятини кенгайтириши учун қарийб 5 гектар ер берилди. Президентимиз билан учрашган ушбу корхона эгаси учта лойиҳани амалга ошириб, совитгич, чанготгич ишлаб чиқариш ва пластикни қайта ишлаб, муз-



латтиклар учун керакли жиҳозларни тайёрлашни йўлга қўйди.

Бу битта корхона мисолида эришилган натижалар. Яна ўнлаб ишлаб чиқарувчиларимиз фаолиятида ана шундай янгилик, ўзгаришлар бўлди. Юзлаб янги иш ўринлари яратилди. Биргина “URGAZKARPET” масъулияти чекланган жамиятида қиймати 14,1 миллион доллар бўлган гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилиб, 229 та иш ўрни ташкил этилди. 3 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

— Дарвоқе, бу йил давлатимиз раҳбари фармонида кўра, юртимиздаги 13 та туман қаторида Ургут ҳам инновацион ҳудудга айлантирилмоқда. Бу жараён қандай кечмоқда?

— Бугунги ҳаётимизни замонавий инновациялар, илм-фан ютуқларисиз тасаввур қилиш қийин. Шу жиҳатдан Президентимизнинг 2021 йил 1 апрелдаги “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони тарихий аҳамият касб этди. Туманларни инновацион ҳудудга айлантиришда, аввало, илм-фан натижаларини тез суръатларда

жорий этиш ва шу орқали аҳолининг оғирини енгиллатиш, одамлар қарерда яшашидан қатъи назар, инновациялардан баҳраманд бўлишини таъминлаш мақсад қилинган. Бу борада Инновацион ривожланиш вазирлиги, вилоят ҳокимлиги ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Қисқа вақт ичида бир қатор лойиҳаларни амалга оширишга ҳам эришилди.

Жумладан, Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали олимлари томонидан яратилган тақририй экинлар уруғини экадиган комбинациялашган қурилмадан фойдаланиш йўлга қўйилди. Мазкур қурилманинг қўлланилиши сувнинг 17,3 фоиз тежалишига ва ёнилғи сарфининг 2,8 қарра камайишига, меҳнат унумдорлиги эса 25 фоиз ошишига олиб келади.

“Ақлли шаҳар” лойиҳаси асосида туман марказида видеокузатув воситалари ўрнатиш давом этмоқда. Қишлоқ ҳўжалиги, хусусан, доривор ва техник ўсимликлар етиштириш, йўл қурилиши, электротехника, автомобил-созлик соҳаларида ҳам қўллаб инновацион технологиялар қўлланилмоқда.

Туманимиз учун энг оғриқли масалалардан бири бўлган йўлларнинг сифатини ошириш мақсадида йўл қурилишига Австралия технологиясини татбиқ қилиш таклиф этилмоқда. Аънавий асосда 250 квадрат метр йўл қурилиши учун кетган вақтда бу технология ёрдамида 5 минг квадрат метр йўл қурилишига эришилади. Йўл қурилиш харажатлари 1 квадрат метри 120 минг сўмдан 50 минг сўмга қисқаради, йўлдан фойдаланиш муддати эса 4 йилдан 15 йилга ошади. Бундан ташқари, йўл қурилишининг экологик ҳафсизлиги ҳам таъминланади. Ушбу йўналишдаги ишлар самараси яқин орада туманимиз халқи ҳаётида ўз аксини топади.

— Ургут юртимиздаги аҳоли энг гавжум яшайдиган ҳудудлар қаторига киради. Бу аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини йил сайин оширмоқда. Ушбу масалага ечим сифатида икки йил аввал тумanning Мерганча массивида 12 қаватли уйлар қурилиши бошланганди. Негадир ҳозир бу иш тўхтаб қолган. Бунинг сабаби нимада ёки туманда уй-жой қурилиши бўйича янги лойиҳалар борми?

— Ҳа, албатта, туманимиз аҳолисини уй-жой билан таъминлаш энг муҳим вазифалардан

режалаштирилган. Жумладан, Янги Ўзбекистон массиви учун Мерганча ҳудудидан 41,6 гектар ер ажратилиб, лойиҳалар тайёрланмоқда. Бу ерда “янги тартиб” асосида 180 хонадонли 9 та 5 қаватли ҳамда хусусий тадбиркорлар томонидан қарийб 5 минг хонадонга мўлжалланган 96 та 7, 9 ва 12 қаватли уй-жойлар қурилади. Ҳозиргача 60 та уйнинг лойиҳаси тайёрланди.

Туман маъмурий маркази ҳам ушбу ҳудудга қўчирилади ва туман ҳокимлиги учун 7 қаватли бино қурилади. Президент Халқ қабулхонаси, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўли-



ми, иқтисодий комплекс ва ташкилотларни шу бинода жойлаштириш мўлжалланмоқда. Айни пайтда лойиҳа тайёрланиб, тасдиқлаш учун тегишли ташкилотларга тақдим этилган.

Шунингдек, массивда 1200 ўринли умумтаълим мактаби, иккита 300 ўринли давлат мактаб-гача таълим ташкилоти, оилавий поликлиника, иккита сув иншооти, маҳалла маркази, истироҳат боғи, спорт комплекси, йигирмадан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилади.

Массив аҳолиси бандлигини таъминлаш мақсадида 4 гектар ер ажратилиб, кичик саноат зонаси ташкил этилади ва 22 та лойиҳа амалга оширилади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 80 миллиард сўм инвестиция ўзлаштирилади ҳамда 450 янги иш ўрни яратилади.

Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистон массиви бүгун мамлакатимизда “Инсон қадри учун!” ғояси асосида амалга оширилаётган ислохотларнинг амалий ифодаси бўлади.

— Туман маркази янги массивга қўчгач, Ургут шаҳарчаси ҳудуди фақат аҳоли яшаш манзили бўлиб қоладими ёки бу ерда ҳам лойиҳалар кўзда тутилганми?

— Ҳозирги марказда маҳаллалар жуда кўп ва хонадонлар зич жойлашган. Одамлар асосан, хунармандлик, тадбиркорлик билан шуғулланади. Шаҳар марказидан эса Ургутсой оқиб ўтади ва унинг атрофида кўркам дам олиш масканлари, хиббонлар ташкил қилиш мумкин. Буларнинг барчаси шаҳарда хунармандлик, кичик тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш имконини беради. Шу орқали бу ерни сайёҳлик марказига айлантиришни режалаштирганмиз. Ургутга келган меҳмон борки, Чорчор, Фавсул Ўзасан сингари муқаддас қадимжолар ва оромгоҳларга бормоқчи бўлган киши, албатта, Ургут шаҳридан ўтади.

Бундан ташқари, Тахтиқорача довоғи ўтган Қоратепа, Омонқўтон ва Терсак маҳаллаларини экотуризм масканига айлантириш бўйича ҳаракатларни бошлаганимиз. “Туризм қишлоғи” мақомини олаётган Терсакда биргина шу йилнинг ўзида 25 та меҳмон уйи очилди. Қишлоқда маҳаллий ва хориқлик меҳмонлар келиб хордиқ чиқариши, миллий урф-одат ва аъналаримиз билан танишиши учун имконият яратилмоқда. Омонқўтон маҳалласида 50 миллиард сўмлик лойиҳа асосида замонавий дам олиш маскани ташкил этилмоқда. Бу ердаги тоғда канат йўли ташкил этиш бўйича 100 миллион долларлик лойиҳа ишлаб чиқилляпти. Ушбу лойиҳага Франция ва мисрлик тадбиркорлар катта қизиқиш билдирган. Мисрнинг яқинда туманимизга келган элчиси билан учрашувда ҳам мазкур лойиҳа бўйича фикр алмашдик.

Маҳаллий сайёҳлар кўп келадиған “Хўжайдуқ” маҳалласидаги Ширвоқота зиёратгоҳини обод қилиш ва бу ерга хориқлик сайёҳларни кўпроқ жалб қилиш бўйича ҳам ишлар бошланган.

Умуман, Ургутда туризм соҳаси ҳам иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бири,

шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим йўналишига айланиши учун имконият жуда катта. Бу имкониятдан самарали фойдаланиш бўйича мақсад ва режаларимиз бор.

— Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, таълим тизимини тубдан ислох қилиш бўйича Ургутда қандай ишлар олиб боришмоқда?

— Кейинги беш йилда юртимизда таълим ва тиббиётга катта эътибор қаратилиб, халқимизнинг ушбу соҳалардан розилигини таъминлаш учун давлатимиз томонидан жуда катта маблағ йўналтирилмоқда. Коронавирус пандемияси шароитида халқимизнинг ушбу балодан эсон-омон, кам талафот билан чиқиши учун тиббиётга ажратилган маблағ, соҳа ходимларига давлат томонидан кўрсатилган эътиборнинг чек-чегараси бўлмади. Шаҳарлардаги их-

тисослашган марказлардан бошлаб, энг олис қишлоқлардаги бирламчи тиббий муассасалар фаолиятигача эътибор қаратилиб, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Сўнгги русумдаги тиббий ускуналар келтирилди. Мақсад — халқимизга юқори сифатли, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш, одамларнинг тиббиётдан розилигига эришиш.

Ушбу мақсад йўлида жорий йил давомида биргина туман марказий шифохонасига 24 миллиард сўмлик тиббий асбоб-ускуналар келтирилди. Биринчилар қаторида туманимизда янги гемодиализ, чақалоқлар ва болалар реанимация бўлимлари, қўшма шикастлар ва ўткир юрак-қон томир касаллиқларини маркази фаолият бошлади. Бирламчи тиббий хизматга эътибор қаратилиб, туман аҳолиси тўлиқ тиббий хатловдан ўтказилди ва тўрт гуруҳга ажратилди. Беморлар рўйхати шакллантирилиб, уларга касаллиқларига қараб 66 турдаги дори-дармон бепул ажратилмоқда.

Шу йилнинг ўзида 6 та оилавий шифокорлик пункти республика ва маҳаллий бюджетдан ажратилган қарийб 8 миллиард сўм маблағ эвазига янгидан қурилди. Йил якунига қадар яна 2 та шундай пункт қурилиши бошланган.

Бундан ташқари, жорий йилда туманда 5 та янги хусусий тиббий клиника фаолият бошлади ва уларнинг умумий сони 23 тага етди. Келгуси йилда эса туман тугуруқ мажмуаси неғизда туманлараро перинатал марказ ташкил этилади. Телетиббиёт фаолиятини такомиллаштириш, генетик лаборатория ташкил этиш, 4 та оилавий шифокорлик пунктини таъмирлаш, туман тиббиёт бирлашмасига ангиограф ускунасини ўрнатиб, юракда стентлаш амалиётини йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Таълим сифатини ошириш, фарзандларимизнинг пухта билим олишини таъминлаш бўйича ҳам яқин ва узоқ йилларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиққанмиз. Бунда, аввало, болаларнинг мактабгача таълимга қамровини янада ошириш ва мактабларда таълим самарадорлигига эришишни мақсад қилганмиз. 2019/2020 ўқув йили якунларига кўра, туманимиз таълим сифати рейтингини бўйича вилоятда энг охири ўринда эди. Вилоят ҳокимлиги ёрдамида мактабларимиз Самарқанд шаҳридаги бешта олий ўқув юртига бириктирилиб, ўқув-услубий томондан ёрдам берилган, ўтган ўқув йилида кўрсаткичларимиз яхшиланди. Битирувчиларнинг олий ўқув юртига кириш кўрсаткичлари анча ошди. 2020/2021 ўқув йилида тумандаги умумтаълим мактабларини битирган 6868 йигит-қизнинг 1728 нафари (25 фоизи) олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ургутда Самарқанд давлат университети-нинг филиали ташкил этилмоқда.

Бугун юртимизда ҳаракатлар стратегиясидан тараққиёт стратегияси сари амалга оширилаётган ишлар Ургут ва урғутликлар ҳаётида ҳам ўз аксини топмоқда. Ушбу мақсад йўлида халқимизга хизмат қилиш, туман аҳли розилигига эришиш биз — раҳбарларнинг асосий мақсадимиз.

Ғолиб ҲАСАНОВ
сўхбатлашди.

ФАН

САМАРАЛИ ТАДҚИҚОТЛАР

Тараққиёт мезонларининг ўз қонуниятни бор. Бу жараёнда олимлар олдинги сафда бўлмоғи лозим. Негаки, ривожланишни соҳаларга татбиқ қилинаётган янги технологиялар, янгиликлар белгилаб беради. Технологиялар эса инсон онгу тафаккури маҳсулидир.



Икром АБДУЛЛАЕВ,
Хоразм Маъмун академияси раиси

Бугун Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда пойдевори қўйилаётган Учинчи Ренессанс даврининг тарихи яратилаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Хусусан, илм-фан, иқтисодиёт, таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар яқин вақтда ўз натижасини беради, албатта. Зеро, юртимизда фуқароларнинг бунёдкорлик салоҳияти, интеллектуал имкониятларини рўёбга чиқариш учун барча шароитлар яратилган.

Одатда, иқтисодиётда самарадорлик рақамлар билан белгиланади. Бизнинг Хоразм Маъмун академиямизда қисқа даврда бир қатор муҳим ишлар амалга оширилди. Хусусан, ўтган беш йилда академия илмий салоҳияти ўн баробар ўсиб, 4 фойздан 42 фойзга кўтарилди. Шу даврда 3 нафар фан доктори, 10 нафардан зиёд фалсафа доктори ўз илмий ишларини муваффақиятли ҳимоя қилди. Академиямиз олимлари Фарҳод Жуманиёзов ва Зокир Ражабов ихтиро патентлари асосида фалсафа доктори бўлди. Уч нафар олим давлат мукофотларига лойиқ қўрилди.

Биолог олимларимиз томонидан зараркунанда ҳашарот — термитлар қарши курашадиган биологик патогенли препарат яратилди ва Ичанқалъа тарихий обидасига татбиқ қилинди. Айтиш кераки, термитлар минг йиллик тарихга эга меъморий обидаларга катта зиён етказаятган эди.



Олимларимизнинг савий-ҳаракати билан бунинг олди олинди. Энди термитлар тарихий обидаларимизга ҳавф сололмайдми.

Ёки яна бир янгилик. Кимёгарларимизнинг изланишлари туфайли амарант ва стевия ўсимликларидан экспортбон амарант мийи ва сквален моддаси, қандли диабетта қалинган беморлар учун шаккар ўрнини босувчи стевеозид моддаси олинди.

Математика соҳасида чегаравий тўпламларнинг Р-ўлчови билан Борель ўлчови орасида боғланиш ўрнатилиб, аллоҳида гармоник ва мероморф функциялар учун гармоник ва мероморф қўбиқлар аниқланди. Айнан математика соҳасида АҚШ, Франция ва МДҲ давлатлари билан ўзаро алоқалар кенг йўлга қўйилиб, илмга иштиёқманд талабалар учун ёғи мактаблар ташкил қилинган эди. Бу мактаблардаги қисқа курсларда хорижлик тажрибали олимлар сабоқ берди.

Айни пайтда иқлими ва тупроқ таркиби бошқа ҳудудларга нисбатан кескин фарқ қиладиган воҳа шароитига мос ўза навлари яратиш устида изланишлар олиб бориляпти. “Хурма” ва “Ният” деб номланган янги ўза навлари ана шу меҳнатлар ҳосиласи бўлди. “Ният” янги ўза нави вилоят фермерлари далаларида муваффақиятли синовдан ўтиб, ўтган йили 1047 гектар ерга экилди ва қутли-

ган самарани берди. Келаси йилдан янги нав экиладиган майдонлар ҳажми янада кенгайди.

Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик вазият туфайли воҳанинг айрим ер майдонлари кучли шўрланган. Бунинг устига вилоятда баъзи йилларда сув танқислиги кузатилади. “Хурма” ўза нави айнан шўрланган ерларга мос ва сувсизликка чидамли. Бу нав ҳам синовлардан муваффақиятли ўтиб, аллақачон катта майдонларда экиляпти.

Президентимизнинг вилоятда шолчиликни янада ривожлантириш ва шолидан бир неча марта ҳосил олиш тажрибасини ишлаб чиқиш борасидаги кўрсатмаларига асосан, ҳозир шолнинг турли навлари устида тадқиқотлар олиб бораёلمиз. Дастлабки натижалар қувонарли, деб бемалол айтиш мумкин.

Археология соҳасидаги илмий изланишлар ҳам муваффақиятли давом этмоқда. Ўтган йилларда Хумбўзтепа, Қалъажик қалъа, Кат қалъа каби тарихий бир неча минг йилларга бориб тақаладиган меъморий обидаларда илмий-тадқиқотлар олиб борилди. Натижада ноёб тарихий қатламлар очилди ва осори-атиқалар топилди. Бу илмий экспедициялар туфайли Ичанқалъа ҳамда академиямиз музейлари янги экспонатлар билан бойиди.

Ичанқалъадаги 54 та ва Дешонқалъадаги 44 та тарихий обиданинг техник ҳолати бўйича маълумотлар базаси яратилди. Қорақалпоғистондаги Чилпик пахсадевор меъморий ёдгорлигини сақлаб қолиш бўйича бинонинг конструктив электрон кўриниши яратилди ва муҳандислар эътиборига ҳавола қилинди. Бу янгилик келгусида бошқа тарихий қалъалар ҳаробаларини асраб қолишда ҳам асқатади, албатта.

Воҳага келаётган хорижлик сайёҳлар сони йил сайин ошаётган экан, уларга бой меъморий тарихимиз намуналарини кўрсатиш ва, энг асосийси, бу обидаларни асраб-авайлаб, келажак авлодларга етказиш ҳам шарафли, ҳам масъулиятли ишдир.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Мухаммад Риш Эрниеъбек ўғли Огаҳийнинг 20 жилдлик асарларини чоп этишга қиришилган эди. Академиямиз илмий грант лойиҳаси раҳбари, филология фанлари доктори Абдулла Ўрозбоев ва бошқа олимлар савий-ҳаракати билан ҳозиргача Огаҳий танланган асарларининг 9 жилди ўқувчилар қўлига етиб борди. Қолган жилдлари ҳам нашрга тайёр ҳолга келтирилди. Бундан ташқари, фойдий олим А.Ўрозбоевнинг қўп йиллик тадқиқотлари натижа-сида Маҳмуд аз-Замашарийнинг “Муқаддимат ул-адаб” асари ҳам чоп этилди.

Ю.Раҳмоновнинг “Хива шаҳри тарихи”, “История Хивы”, “Қатагон қурбонлари. Хоразм вилояти хотира китоби”, К.Машариповнинг “Жалолиддин Мангуберди — буюк ватанпарвар саркарда”, Умид Бекмуҳаммаднинг “Сурғун”, “Қатагон қурбонлари”, “Мозийнинг фожиаги саҳифаларидан”, “Хоразмда яшаган немислар”, “Хотира уйғонса ўзалдир” каби тарихий-илмий асарлари яратилди ва нашр қилинди.

Академия докторанти Умид Бекмуҳаммад ҳозир хоразмлик жадидлар ҳақида туркум рисола-лар яратиш, уларнинг ҳаёти ва фаолияти билан ўқувчиларни таништириш устида ишламоқда.

Айтиш кераки, академиямизда аҳоли қўлида бўлган ноёб қўлёмалари аниқлаш ва кенг жамоатчиликка етказиш устида ҳам тизимли ишлар олиб бориляпти. Шу билан бирга, чет эллардаги кутубхоналарда сақланаётган ажодларимиз қаламига мансуб асарларни аниқлаш, улардан фотонусхалар кўчириш, таҳлил қилиш, мукаммал изоҳлари билан нашрга тайёрлашдек савобли ишларга ҳам ҳисса қўшяёмиз.

Бир сўз билан айтганда, олимларимиз Президенти-миз олдимизга қўяётган вазифаларни муфассал бажариш орқали Учинчи Ренессанс дав-рига ўзларининг муносиб улушларини қўшишга астойдил ҳаракат қилмоқда.

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди

“Миллатлараро бағрикенглик ва дўстлик муҳитини мустаҳкамлашда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш” мавзuida Давлат грантлари ажратиш учун 6-танловни ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилот-лари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтла-рининг куйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари қабул қилинади:

1. Аҳоли, авваламбор, ёшларда бағри-кенглик ва умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлаш;
2. Ёш авлодни тарбиялашда ўзбек халқининг миллий, тарихий ва маданий ме-росини, бой тарихини, янги Ўзбекистоннинг ютуқларини тарғиб этиш;

3. Жамиятда тинчлик ва барқарор-лик, миллатлараро тотувликни таъмин-лаш, хориждаги ватандошларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қўмак-лашиш;
4. Халқ дипломатиясини ривожланти-риш, Марказий Осиёда дўстлик ҳамда ҳам-корликни мустаҳкамлаш;
5. Халқимизнинг номоддий маданий ме-росини (халқ бадийи хўнарамдчилиги ва амалий санъати, фольклор ёдгорликлари, миллий байрамлари, фестиваллар, миллий тоғлар ва бошқалар) хорижий аудитория ўртасида оммалаштириш;
6. Жамиятда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакл-

- лантиришда, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда фуқаролик жамияти институтларининг аҳамияти ва нуфузини ошириш;
7. Жамиятда миллатлараро тотув-ликни мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғри-сида халқаро жамоатчиликни хабардор қилиш;
8. Фуқаролик, миллатлараро ва тинчлик ҳамда тотувликни янада мус-таҳкамлашга қаратилган фестивал-лар, форумлар, танловлар, учрашу-лар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

9. Маданий меросни сақлаш, аҳоли ўр-тасида маданий меросга бўлган муноса-батни янада юксалтириш, уларни келажак авлодга бекаму кўст етказиш ва маданий меросга бўлган муносабатни шаклланти-риш борасида тарғибот ишларини олиб бориш;
10. Турли миллат ва элат вакилла-ри ўртасидаги тотувликни таъминлаш тажрибасини оммалаштириш, тарғиб қилишга бағишланган китоблар, тўплам-лар, телерадио кўрсатув, эшиттириш-лар тайёрлаш;
11. “Ўзбекистон умумий уйимиз” шиори остида иншоалар ва бошқа кўринишдаги танловлар ташкил этиш.

- Давлат гранти ажратиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
1. Ташкилот раҳбари томонидан имзо-ланган ва муҳр билан тасдиқланган куза-тув хати.
 2. www.fondngo.uz веб-сайтида жой-лаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.
 3. Охириги ўзгариш ва қўшимчалар би-лан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институти-рининг Ўстаи (Низоми) нусхаси.
 4. Ташкилотнинг давлат рўйхати-дан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

5. Агар лойиҳани амалга ошириш ли-цензияланмаган фаолиятни талаб қил-са, унда лицензиянинг нусхаси.

6. Манфаатдор давлат ва жамоат таш-килотларининг тавсия ҳамда қўллаб-қув-ватлаш хатлари.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 40 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2021 йил 25 ноябрдан 26 декабргача қабул қилинади.

Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа инсти-тутларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига “Ўзбекистон почтаси” орқал-и юбориладиган қўйилган конвертлар-да (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузу-ридаги жамоат фондининг www.fondngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар:
(0-371) 239-26-76, 239-26-86.

Ижтимоий реклама



ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ

ҚИШЛОҚ ЭМАС,
эртакнамо маскан

Юртимиз тараққиётидаги стратегик йўналишлардан бири сифатида баҳоланаётган туризм соҳаси ривожидида тизимли ишлар амалга оширилаётгани нафақат давлат иқтисодиётига катта фойда келтириши, балки қишлоқ жойларда аҳолининг ўзини ўзи банд қилиши, қўшимча иш ўринлари яратиши билан ҳам аҳамиятли. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 августдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси ҳудудларнинг янада обод бўлишига, аҳоли даромадларининг ўсишига хизмат қилмоқда.

Феруза Жўраева,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўлкамизда гўзал ва сўлим гўшалар, аср-ларни қаритган нодир тарихий ёдгорликлари билан сайёҳларни ўзига жалб этиб келаётган, тарихий-маданий ресурсларга бой манзиллар бисёр. Туризмга оид махсус мақом берилиши-га қаратилган тадбирлардан қўзланган асосий мақсад маҳаллаларнинг азалдан сақланиб қолган моддий ва маънавий меросини сақлаш ҳамда ҳудудларда туризм хизматларини ри-вожлантириш орқали хорижий сайёҳларни кенг жалб қилишдир.

Албатта, бу борадаги ишлар иқтисодий фойда келтириши билан ҳам устуворликка эга. Масалан, “туризм қишлоғи” мақомига эга бўлиш учун фуқаролар йиғини ҳудудида ка-мида йигирмата оилавий меҳмон уйи мавжуд бўлиши, сайёҳларга турар жой ва овқатланиш хизматларидан ташқари яна камида беш тур-даги сифатли туристик хизмат кўрсатилиши шарт. Шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарил-ган эсдалик совғалар сотиладиган савдо шо-хобчаси бўлиши ҳам талаб этилади. Табиий иқлим шароити ва ҳолати юқори даражада бў-лиши, қўшимча кўнгилочар масканлар, авто-мобиль йўллари, транспорт алоқаси каби бар-ча инфратузилмалар мавжудлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

— Бундай мақомга эга бўлган фуқаролар йиғини учун бир қатор имтиёзлар мавжуд. Ху-сусан, улар “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига биринчи навбатда қиритилади, — дейди Туризм ва спорт вазирлиги бошқар-ма бошлиғи ўринбосари Лола Закираева. — Сайёҳларга хизмат кўрсатадиган аҳоли бе-пул ўқитилади. Маҳалла ҳудудидаги диққатга сазовор манзиллар оммавий ахборот восита-ларида бепул тарғиб қилинади. Туризм соҳа-сини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, бюджет-дан ташқари ва бошқа маблағлар ҳисобидан маҳаллий сайёҳлик кўргазмалари ҳамда бош-қа зарур материаллар тайёрланади. Ўлка-мизнинг ҳар бир ҳудуди туризм нуқтасига ай-ланса, мамлакатимизнинг дунёдаги мавқеи янада юксалади. Шунингдек, аҳолининг

турмуш тарзи яхшиланиб, ҳудудлар ободон-лигига эришилади.

Самарқанд туманидаги Кониғил қиш-лоғига юртимизда биринчилардан бўлиб туризм қишлоғи мақоми берилган. Чўпон-ота тепалиги эстагида жойлашган қишлоқ Самарқанд қоғози, ёғғувоз, қулоллик, ду-радгорлик ва бошқа хўнарамдлик анъана-лари давом этиб келаётган ҳудуд саналади. Маҳаллий ва хорижий сайёҳлар бу ердаги ўзгача, қадимий анъаналаримизни акс эт-тирувчи хўнарамдлик, этнотуризм, агро-туризм, гастронимик ва бошқа туризм мар-казлари билан яқиндан танишади, тарихий Самарқанд қоғозини ишлаб чиқариш жараён-ларига гувоҳ бўлади. Лойиҳа сабаб азалдан хўнарамдлар маскани бўлган қишлоқнинг инфратузилмаси янада яхшиланиб, бино-ларнинг тарихий қиёфаси тикланди ҳамда маданий-кўнгилочар дастурлар ташкил этиш учун имконияти яратилди. Меҳмонлар-нинг табиат қўйида дам олиши ҳамда сайр қилиши учун Сиёб ариғи бўйида пиёдалар



йўлаги, дам олиш масканлари, меҳмон уйлари, овқатланиш шохобчалари очилди.

Кониғилда қўллаб хўнарамдлик ва хизмат кўрсатиш маскани ишлаб турибди. Қишлоқда меҳмонлар учун Самарқанд нонларини тай-ёрлаш бўйича маҳорат дарслари ўтказиладиган новвойхона мавжуд. Хўнарамдларнинг савдо шохобчалари доим харидорлар билан гавжум.

Меҳрождидин Бобомуродов истеъдодли кулоллардан. Унинг устaxonасида оддий



лойдан санъат асарлари яратилишини куза-тиб, ҳайратланасиз. Теракота ва сирланган идиш-товуқлар, турли рўзгор буюмлари, эр-так-афсона қаҳрамонларининг асосий ишти-ёқмандлари — сайёҳлар.

— Қишлоғимизга туризм қишлоғи мақо-ми берилиши хўнарамдлар учун айнаи муддао бўлди, — дейди Меҳрождидин Бобомуродов. — Сайёҳлар оқими кенга-йиб, қўлда ясалган буюмларга талаб ор-таётганидан хурсандимиз. Хўнарамдлик мактабимизга бугунгача Туркия, Россия, Япония, Қатар ва яна бошқа кўплаб мам-лакатлардан қизикувчилар келиб тажриба алмашишди. Ўзимиз ҳам дунёнинг тур-ли давлатларига бориб кўргазмаларда иштирок этиб келяпмиз. Бизнинг кулоллик йўналишимиз Афросиёб услуби дейилади. Миллий қадриятларга таъйиб, замонавий ва қадимий услубни мужассам этган ҳол-да, махсулот яратишга ҳаракат қиламиз.

Оилавий асосда кулоллик билан шугулла-наётган Бобомуродовларга Сиёб ариғи ёқаси-дан ер ажратилиб, бу ерда устaxonа қўрилди. Айни пайтда ушбу муъжаз даргоҳ хорижлик сайёҳларни ўзига жалб қилмоқда.

Кониғилда ташкил этилган меҳмон уйлари, улар сайёҳларни халқимиз ҳаёти, урф-ода-тлари, маданияти билан таништиришида кат-та аҳамиятга эга. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос яшаш ва турмуш тарзи, миллий ўйинлари, чолгу асбоблари, хўнарамдлик анъаналари мавжуд бўлиб, этнотуризм айнаи ушбу қадри-ятлар билан яқиндан танишиш имконини бе-ради. Таъкидлаш жоизки, меҳмон уйлари сай-ёҳларни қабул қилувчи оилаларнинг турмуш фаровонлигига ҳам ҳисса қўшади.

— Меҳмон уйлари ташкил қилишга қизиқи-шим баланд эди, — дейди Кониғилда яшов-чи Содир Азимов. — Чет эллик сайёҳларни урф-ода-тларимиз, миллий таомларимиз би-лан таништирганда, улар чехрасидаги ҳайрат ва ҳавасни кўриб завқ оламан. Туризм қиш-лоғи мақоми маҳалламизни янада ободон-лаштиришга олиб келди. Қувонарлиси, кўпчи-лик ишли, рўзғори бут бўлди.

Мазкур соҳадаги ишлар юртимизнинг бе-такдор ва ранг-баранг сайёҳлик салоҳиятини жаҳонга кенг таранум этишда муҳим ўрин тутади. Туризм қишлоғи, овули, маҳалласи сабаб бугун бу манзиллар шу қадар чирой очмокдаки, улар эртакнамо, кўзни қувнатувчи масканларга айланяпти.

Тошкент, Андижон, Фарғона, Наманган, Бу-хоро, Навоий, Жиззах вилоятларидаги жами йигирмата қишлоққа мана шундай мақом берилиши юзасида тегишли ишлар олиб боришмоқда. Бу дегани, шунча манзил обод, халқининг ҳаёти эса янада фаровон бўлади.

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР

Мақолани тайёрлашга икки оғиз гап туртки бўлди. Хадрадаги дизайн мактабига қатнайдиغان ўғлим: “Ойи, мактабимизга “Apple” компаниясида ишлайдиган аёл келиб, маҳорат дарси ўтар экан, Америкадан Тошкентга келибди”, деб қолди. Газетамизда “Тесла”да ишлайдиган ўзбек қизи ҳақида берилган мақола ёдимга тушди. Мақола қизиқиш билан ўқилганини кўпчилилик ўқувчилардан эшитиб, хурсанд бўлгандим ўшанда. “Apple”да муваффақиятга эришган яна бир ўзбек қизи ҳам юртдошларимизни бефарқ қолдирмас керак, деб ўйладим. Дизайн мактаби раҳбариятидан аёлнинг телефон рақамини олдим. Телеграм тармоғи орқали ўзимни таништириб, у билан суҳбат қилиш ниятим борлигини айтдим, қаҳрамонимиз юзма-юз кўришиш шартлигини ёзди. Келишилган кун, белгиланган соатда суҳбатдошим — Садоқат Қозиевнинг Тошкентдаги офисига етиб бордим.

Ҳеч қачон кутиб ўтирма ёхуд Буюк Британия мени мустақил ҳаётга тайёрлади

Чилонзор туманидаги 178-лингвистик мактабда таълим олган Садоқат Қозиева ота-она розилиги билан Буюк Британияга йўл олади. У ерда 6 йилга яқин бизнес менежмент бўйича ўқийди. Бошқа миллатларнинг тили, ҳаёти, маданиятига қизиқиши кучли бўлган ўзбек қизи олис юртда ҳам ўқиб, ҳам ишлашга қарор қилди. Шундай қилса, у одамлар билан кўпроқ муомалага киришар, инглизлар ҳаётини аниқроқ кўрадигандек эди. Қолаверса, Буюк Британияда талабалар ҳафтасига 20 соат ишлаши мумкин.

Иш танлаб ўтирмади, КФСда ишлади, офисларда фаолият юритди. Кийим дўконларида сотувчилик қилган пайтлари эса, айнан ўзи истаганидек одамлар билан кўпроқ муомалада бўлди. Шу тариқа 16 ёшидан мустақил ҳаётга кириб борди. Унинг фикрича, ўзини ўзи моддий таъминлаган ҳар қандай одам ўсади, ўз меҳнатини баҳолай олади, ҳар нарсанинг қадрига етади. “Ҳеч қачон кутиб ўтирма. Ҳаммаси ҳаракатга боғлиқ!” шиори унга ҳамisha мотивация беради. Қўл, оёқ, кўз бутунми, албатта, ҳаракат қилиш керак. Интилишлар бугун, эртага, бир ой, балки бир йилда ҳам эмас, бир кун келиб, албатта, ўз самарасини беради.

Одамларга енгиллик яратгим келади

Садоқатнинг “Apple”га бориб қолиши унинг учун гўё тошқин дарёнинг нариги қирғоғига ўтиш билан баробар бўлган, десак хато эмас. Ўзбекистонлик йигит-қизларнинг аксарияти учрашувларда унга “Apple”га қандай бориб қолгансиз?” деб савол беришади. Садоқат эса, бу йўлдаги “ширин азоблар”ини қайта-қайта ҳикоя қилишдан эринмайди.

“Ота-онам Америкага кўчишганида, мен ҳам бирга кетдим. У ердаги коллежда таълим олиб, коммуникацияни ўргандим. 2013 йилда Калифорния штатида бир технологик компанияда иш бошлаганман. Айнан ўша ердан бугунги муваффақиятимга йўл очилди. Чунки ишга олиш жараёнида турли одамларнинг биографияси билан танишишга тўғри келарди. Маркетологлар, муҳандислар, сотув бўлими ходимлари ва ҳоказолар. Улар орасида ногаҳон UX/UI дизайнер деган лавозим ҳақида ўқиб қолдим. Янгилик бўлгани учун шу касбга қизиқдим. Бир томондан, ёш онаман. Хайрияти, турмуш ўртоғим ҳам технология соҳаси вакили. Бир-биримизни тўғри тушунамиз учун кадрлар бўлимида ишлаб туриб, UX/UI дизайнини ўрганишимизга ёрдам берди.

Кейинроқ Техас штатидаги Остин шаҳрига кўчиб ўтдик. Учинчи фарзандим ўша ерда туғилди. Табиийки, бола сал катта бўлгач, иш қидира бошладим. Остиндаги катта компаниялардан бири “Samsung” бўлиб, ходимларининг



70 фоизи корейслар эди. Кадрлар билан ишлашда тажрибам бўлгани учун компанияга тест синовидан ўтиб, ишга жойлашдим. Компания биносининг ичкарасига кириб боришингиз билан ўзингизни Корейдагидек ҳис қиласиз. У ерда бир йилдан ошикроқ ишладим. Асосан дастурларни осонлаштириш, янгиликлар киритиш, жараёнлар тузиш билан шуғулландим. Табиатан одамларга ҳар нарсани соддалаштириб, енгиллаштириб беришни яхши кўраман. Хатто “объективка” ёзишнинг соддалаштиришни талаб қилардим. Умуман, барча соҳада одамларга осон бўлишини истайман. Бу борада ишларим менежеримга ҳам маъқул келди, “бўлди, шу иш сенинг зиммангда, ҳар ҳафта янги жараёнларни тузасан”, деган. Гуруҳ йиғиб, ўша жараённи йўлга қўярдим. Ҳар ой янги лойиҳам бўларди. Ички интилишларимга кўра, ҳаракат қиладиган инсон бўлганим учунми, назаримда, “Samsung”да ўсишдан тўхтаб қолгандай ҳис қила бошладим, ўзимни”.

Умримнинг охирига қадар талаба бўлиб қолишни истайман

Уйимиздан “Apple” компаниясигача 10 дақиқалик йўл эди. “Apple”нинг биринчи офиси Калифорнияда бўлса-да, Остиндаги иккинчи офис айна пайтда жуда кенгайган. “Samsung”га кетаётиб, албатта, “Apple”нинг ёнидан ўтар, унинг улкан биноси, афишаларига алоҳида эътибор берардим. Бир кун чорраҳада светофорнинг яшил чироғини кутиб туриб “Apple”да ҳам ўзимни сынаб кўрсам-чи”, деган фикр хаёлимга келди. “Samsung”даги икки ҳамкасбим мендан олдин “Apple”га ўтишганди. Улар билан алоқада бўлиб турганим боис, “Apple”да бошқачароқ эканини тасаввур қилардим. Тўғрироғи, бу



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахриратга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташқилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

“SAMSUNG”дан “APPLE”гача ўзбек қизи босиб ўтган муваффақият йўли ёшлар учун мотивация

ерда ўсишга имконият кенгроқ бўлса керак, деб ўйлардим. Аспиди, одамнинг ўзи қизиқмаса, бировнинг фикри уни ҳеч қачон ўзгартира олмайди. Муҳими, истак инсоннинг ўзида бўлиши керак.

“Apple”да тўғридан-тўғри бошқа бир бўлимда ишлаб кетишим мушқуллиги, ишга олиш бўлимида эса қийналмаслигини ўйлаб, телефонимдаги рақамларни бирма-бир қараб чикдим. Америкада телеграмга ўхшаган линкнинг платформасидан фойдаланишди. Ўшандан ишга йўналтирувчи 3-4 кишига ёздим. Америкада ишга кирмоқчи бўлсангиз, аввал ташқи рекрутер билан интервью қиласиз, агар унга ёқсангиз, сизни ички рекрутерга тавсия қилади. 2 ҳафта ўтиб, уларнинг биридан жавоб келди, мулоқот қилдик. 1-2 ҳафтадан кейин у мени ички рекрутерга тавсия қилди. 2 ҳафтада ички рекрутер кўнғироқ қилди. Дарвоқе, Америкада ишга кириш масаласида ички рекрутерга ёқиб қолиш жуда муҳим. Шунда у сизни юлдузли номзод сифатида тизимда ушлаб туради. Ички рекрутерга ҳам маъқул бўлдим шекилли, биров кутасан, деди. Кейин Калифорниядаги бир ходим билан телефонда ярим соат интервью қилдик. Унинг руҳсати билан “Apple”нинг ўзига бориб, интервьюлардан ўтадиган бўлдим. Остиндаги офисда биринчи кунни уч одам билан интервью бўлди. Ҳар бири билан 30 минутдан суҳбатлашдим. Ҳар бирининг



қўлида қоғоз, ручка. Мен билан суҳбатлашаётиб, бир нималарни қоралаб ўтиради. Фақат бир менежер касал экан, у билан интервьюга уч кундан сўнг келишимни айтишди. “Эй худо, бунча мени текширишади”, деганман ўшанда. Яхшики, тўртинчи менежер хушчаққад одам экан. 30 минут бўлиши керак бўлган интервью 1 соату 15 минутга қўзилиб кетди.

Уша кунни “Apple” учун сизнинг ҳаётга қарашингиз, нафақат қарашингиз, уни қандай ҳис қилишингиз ҳам муҳим эканини тушуниб етдим. Зеро, ишга тааллуқли бўлмаган саволлар ҳам бериладикки, мактанчоқ, фақат ўзим дейдиган инсонлар шундоққина ўзини ўзи намоён қилиб қўйишади. Менежерлардан 2 нафарига ёқмаган бўлсангиз ҳам ўйлаб кўришади. Ҳаммаси бир-бири билан фикр алмашиб, интервьюларни таҳлил қилишади. У ерда таниш-билиш, бой-камбағал, кийим роль ўйнамайди. Улар ҳамма нарсадан меъёр қидиришади. Буни улар тренингларда ҳам очик айтишади.

2 кундан кейин менга жавоб ёзишди. Интервьюлардан муваффақиятли ўтибман. Мақсадимга яқинлашганим сари ўзимга сиймасдим. Қўлимдан келган барчасини қилаётганим, бу ёғи Яратгангагина боғлиқ эканини ҳис қилиб турардим. Шу ўринда ёшларга ўйлаган режангиз амалга ошмай қолса, аввало, максимал даражада ҳаракат қилдимми, деб ўзингизга савол бериб кўринг. Балки бирон жойда дангасалик қилгандирсиз, деган бўлардим.


“Қачон иш бошлаш оласиз?”, деб “Apple”дан кўнғироқ қилишганида, “наҳотки” деб сакраб юбордим. Барча ҳужжатларга қўл қўйилди, шартнома имзоланди. Шунингдек, “Apple”нинг жуда кучли ўзига хос фалсафа китоби ҳамма қатори менга ҳам тутқазилди. Ишга келган кунингизданоқ ўша китобни беришади. Бирон гап бўлса, албатта, китобни эслатишади. Шундай қилиб, “Apple”даги карьерам бошланди ва у ерда 3 йил UX/UI дизайнер бўлиб фаолият юритдим. “Samsung”даги каби жараёнларни енгиллаштириш, ўзгартириш, тақлиф бериш, янги лойиҳалар яратиш билан шуғулландим. Тобора “Apple”да ҳам ҳамма нарса осонлаша бошлади.



График дизайндан UX/UI дизайнга ўтганлар ҳақида youtube тармоғидан маълумот изладим, бу йўналишга оид китоблар сотиб олдим. Билим ва тасаввурларим анча ошиб қолгандан кейин билдимки, UX/UI дизайн соҳасида ишласам бўлади. Фақат бунинг учун чуқур ва интенсив таълим (буткемп)ни ўрганишим керак эди. Кечкурун уй юмушларидан сўнг 2-3 соат вақтим борлигини ўйлаб, 9 ойлик буткемп курсида онлайн ўқиб бошладим. Курсни муваффақиятли тамомлагач эса, менга UX/UI дизайнда ишлаш жуда қизиқ экани, шу боис, бошқа бўлимга ўтишни истаётганимни маълум қилдим. “Apple” компаниясида бир бўлимдан бошқа бўлимга ўтиш учун ҳам интервьюлар бўлади. Яна интервью вақтлари белгиланди. Онлайн тарзда Калифорниядаги ходимларнинг 9 нафари билан суҳбатдан ўтдим. 2 ҳафтадан кейин бу борада менга йўл очик эканини айтишди.

“Apple”дан чиқар эканман, ҳар кунни нимадир олаётганимни билар ва шунинг учун ўсишдан тўхтаганим йўқ, деб ҳисоблар эдим. Ҳаётда ҳар кунни бир нарсани ўргангим, шу маънода умримнинг охирига қадар талаба бўлиб қолгим келади.

Компанияда иш жараёнидаги ҳар қандай муаммони ўзингиз ҳал этишингиз талаб қилинади. Масаланинг лоақал 50 фоиз ечимини билишингиз, билганда ҳам 1 та эмас, 3-4 та ечим кўрсата олишингиз керак. Бу эса, устингизда мунтазам ишлашга ундайди. Натижада сизда лидерлик қобилияти ҳам шаклланади.



Ўзбекистон. Истиқболли лойиҳалар

Садоқат Америкадан туриб ҳар кунни Ўзбекистонни кузатиб боради. Зеро, инсон қаерда бўлмасин, киндик қони тўкилган тупроқ тафти унинг қалбига юртга бўлган муҳаббатни оловлантириб туради. Шу боис, фарзандларини бир кун албатта, Ўзбекистонга олиб келиш, уларга она Ватанини бировларнинг эмас, ўзларининг қўзи билан танитишни ният қилган. Зеро, уларнинг ҳаммаси Америкада туғилди. Бугун улар Тошкентда ўзбек тили, маданияти, урф-одатларини зўр қизиқиш билан ўрганяпти. Миллий таомларимизга ҳам тез қўниқиди. Айниқса, тандирдан иссиққина узилган ширмой нонларимиз таъмини улар Америкадан тополмаслигини очик айтишади.

— 18 йил аввал Ўзбекистондан кетган эдим, кейинги йилларда юртимизда улкан ўзгаришлар бўлди, — дейди Садоқат Қозиева. — Барча соҳада ислохотлар амалга ошяпти. Энг қувонарлиси, охириги 3 йил мобайнида IT кескин

ривожланди. Бу бизни жуда хурсанд қилиши баробарида янги-янги гоёларга ҳам илҳом берди. Уша гоёлар, тажрибаларимизни Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этишга қарор қилдик. Тошкентга келганимизга кўп бўлгани йўқ. Турмуш ўртоғим, акаларим билан бирга “Fastek” номли компанияда ITда янги лойиҳалар, жараёнлар яратиш устида ишляпмиз. Ҳозир 4 та лойиҳамиз йўлга қўйилди. Агар лойиҳаларимиз истиқболли бўлиб, улар амалга татбиқ этилса, Ўзбекистонда қолиб, IT соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшмоқчимиз. “Apple”га келадиган бўлсак, мен учун унинг эшиги ҳамisha очик. Буни менежерларнинг ўзлари кўп бор таъкидлашган. Шундай экан, Америкада ортирган тажрибам, салоҳиятимни ишга солиб, она юртим ёшларига мотивация бериш асосий вазифам, деб биламан.



Ҳа, қаҳрамонимизнинг чет элдаги нуфузли компанияда, замонавий йўналишда иш юритганини эшитган қўлаб ўқув марказлари, дизайн мактаблари уни ўз ўқувчилари билан мулоқотга таклиф эта бошладилар. Ана шундай учрашувлардан сўнг Садоқат мамлакатимизда аёлларга ITда карьера қилиш учун гўё бир майдон етишмаётганини чуқур ҳис қилди. Негаки, учрашувлар сўнггида асосан, қизлар ITда ривожланиш, портфолиони тўлдириб учун нима қилиш кераклиги тўғрисида Садоқатдан маслаҳат сўрашяпти.

— Агар бу каби қизларни бир гўнчага қиёсласак ва уларни тўғри парварिश қила олсак, улардан эртага жуда гўзал гулдаста ҳосил бўлади,

— дейди Садоқат. — Илм йўлида карьера қилишда жинсни чеклаш керак эмас. Қиз бола ҳам ўғил боладек ақлан кучли, салоҳиятли бўлиши мумкин. Айни шундай иқтидорларни кашф этиш йўлида кимларгадир ёрдамим тегса, тажрибамни кимлардир ўзлаштирса, бошим кўка етади. Дарҳақиқат, кўнглидагидан кўрича қўрсатиш, фақат рост сўзлаш, одамларга енгиллик яратишга одатланган бу камтар, соддадил ўзбек қизи хорижда кўп нарсга эришиб бўлди. У бахт туйғусини битта сўз билан изоҳлаб бера олмайди. Тўғри-да, ким учундир бахт — карьера, кимнинг бахти — оила, кимдир спортдан бахт топади. Садоқатнинг қалбига эса бу туйғу умуминсонийлик касб этгани билан аҳамиятли. У ҳамма ўз мақсадига етишини, аиниқса, ёшларнинг замонавий илмлар билан юксалишини, бу йўлда эса қўлидан келганича уларга ёрдам беришни бахтининг энг гўзал қўриғини, деб билади.

Муножат МҲМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусахҳих: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза яқуни — 21:35 Тоширилди — 23:35